

## ШАРТНОМА № 04

« 05 » Январь 2022 й

Муборак ш .

Биз шартнома тузувчилар «Хазрат» МЧЖ (кийинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади) низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари **Маматқулов Ваҳоб Равшанович** бир томондан ва «Харидор» ООО "QURILISH - MONTAJ VA TA' MIRLASH BOSHQARMASI" директор **Ш. А. Муродов** иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилади:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Сотувчи» «Харидор» га тегишли бўлган (ёки «Харидор» томонидан тақдим этилган рўйхат асосида) автотранспорт воситаларига йўл varaқаси асосида **Суюлтирилган газ** (пропан), **Дизель, ва Автобензин АІ- 80, Автобензин АІ -91, Автобензин АІ -92**, ёқилғи махсулотларини (кейинги ўринларда «Махсулот» деб юритилади) сотади.

1.2. «Сотувчи» «Харидор» томонидан ой давомида сотиб олинган махсулотларнинг ведомости (қайднома) ни тузиб боради ва ой давомида олинган махсулот хажми (литри) ҳамда сумдаги қийматни ҳисобварақ-фактурада кўрсатилади ва шартноманинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

Т/р	Махсулот тури	Микдори (литр)	Нархи	Сумма ККС
1	Суюлтирилган газ (пропан),	1000	3600	3 600 000
2	Автобензин АІ- 80,	300	7000	2 100 000
3	Автобензин АІ -91	500	9000	4 500 000
4	Автобензин АІ -92,	500	9000	4 500 000
5	Дизель	1200	10500	12 600 000
	Жами	X	X	27 300 000

1,3, Ушбу шартноманинг умумий суммаси 1 (бир) литр ўртача Суюлтирилган газ (пропан), Дизель, ва Автобензин АІ- 80, Автобензин АІ -91, Автобензин АІ -92, ёқилғилари учун нархлар Биржа катировкалари асосида белгиланади. Ушбу суммалар ой давомида пасайиб ёки кутарилиб (шартномани 2.2. қисмига асосан) турилиши мумкин.

### II. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ ВА НАРХИ

2.1. «Сотувчи» махсулотини «Харидор» га 100% олдиндан тўлов асосида сотади ёки тарафлар ўзаро келишилган ҳолда 60 % олдиндан тўлов тартиби асосида «Сотувчи» махсулотни сотиши мумкин, бундай ҳолда «Харидор» махсулотни қолган қисмини 30 кун ичида тўлаб бериши шарт.

2.2. «Сотувчи» Суюлтирилган газ (пропан), Дизель, ва Автобензин АІ- 80, Автобензин АІ -91, Автобензин АІ -92, ёқилғи махсулотларини Биржа савдоси орқали сотиб олинганлиги сабабли (Биржа нархи барқарор бўлмайдиган) ой давомида сотиш нархи ўзгариб тургани мумкин.

2.3. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **27 300 000 (Йигирма етти миллион уч юз минг)** сўми ташкил этади.

2.4. «Сотувчи» талабига асосан «Харидор» 5 иш кун ичида солиштирув далолатномасини кўриб чиқиб, имзолаши лозим. Агарда ёзма этироз билдирилмаса, солиштирма далолатнома қабул қилинган деб ҳисобланади ва ушбу шартнома нуسخаси илова қилинган ҳолда солиштирма далолатнома бир томонлама тасдиқланиб «Харидор» ҳисоб рақамига шартноманинг ушбу бандига асосан тўлов талабномаси (инкассо) орқали ундириб олинади.

### III. ТОМОНЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Сотувчи» «Харидор» га тегишли бўлган автотранспорт воситасининг ҳайдовчисига махсулот тарқатиш varaқасига имзо қуйдирган ҳолда махсулот беришга ҳақлидир.



3.2 «Харидор» га тегишли бўлган автотранспорт воситасининг хайдовчиси олинган махсулотни тарқатиш варақасига қайд этилган махсулот миқдори, нархи ва суммасини кўриб чиқиб имзо чекиши шарт

3.3. «Сотувчи» ҳар ойнинг охирида барча берилган ёкилғи махсулотларни умумлаштириб «Харидор»га тегишли бўлган тарқатилган махсулот ведомости (қайднома) нинг асли ва бир нусха ҳисобварақ –фактура такдим этилади.

3.4. «Сотувчи» сотилган махсулот сифати ва амалдаги давлат андозасига жавоб беришиликни ўз зиммасига олади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаган холда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан амалга оширилади.

4.2. Томонлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар аввало ўзаро келишиш йўли билан ҳал қилинади, келишмаган тақдирда суд тартибида ҳал қилинади.

#### V. ФОРС –МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

5.1. Шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар томонларга боғлиқ бўлмаган ва бартараф этиш мумкин бўлмаган енгиб бўлмаган кучларга (Форс-мажор) кўра бажариш имкони бўлмаган ҳолларда томонлар жавобгарлигидан озод этилади. Форс – мажор ҳолати бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан белгиланган ҳужжатга асосан бир томон иккинчи томонни зудлик билан ёзма равишда огохлантиради.

#### VI. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

6.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қушимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлаганларидан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.2. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

#### VII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади ва бир хил ҳуқуқий кучга эга деб ҳисобланади. Шартнома амал қилиш муддати томонлар имзолаган кундан бошлаб **31.01.2022 йилгача** амал қилади.

#### VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ

“Сотувчи”

“Харидор”

“ХАЗРАТ” МЧЖ


Қашқадарё вил. Муборак т.

“ХАМКОРБАНК” Қашқадарё м.

Х-р 20 20 8000 7 00 547 110 001

ИНН: 202 351 142 МФО: 01177

Раҳбар  В. Маматқулов




ООО "Г.МТВ"

Муборакт, Саннат қонағи

ЎзСБВ Муборак җ-л

Х/Ҳ: 20210000500942200001

ИНН: 305852958 МФО: 00986

Раҳбар  Sh. A. Murodov